



OLIIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI



ORIENTAL
UNIVERSITETI




RİCEP TAYYİP
ERDOĞAN
UNİVERSİTESİ



SELÇUK
ÜNİVERSİTESİ



KARABÜK
ÜNİVERSİTESİ



**INNOVATION TADQIQOTLARDA
O'ZBEKISTON TARIXINING
DOLZARB MASALALARI MAVZUSIDAGI
XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMAN
ELEKTRON TO'PLAMI**

TOSHKENT, 30-APREL 2025-YIL

Mas'ul muharrir:
N.A.Mamataxunov – tarix fanlari bo'yicha PhD

Tahrir hay'ati a'zolari
Sh.Kamoliddin - Tarix fanlari doktori, professor
I.Bobojonov – Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
I.Xo'jaxonov – Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
Y.Cankaloğlu – Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Taqrizchilar
H.Hamidov – Oriental universiteti “Tarix” kafedrası professorı, Tarix fanlari bo'yicha doktori
J.Kamolov – O'zMPU “Jahon tarixi” kafedrası dotsenti, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Mazkur ilmiy to'plamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-oktyabrdagi PF-6097-son “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi va 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi Farmonlarda belgilangan vazifalardan kelib chiqib, Oriental universiteti “Tarix” kafedrası tomonidan 2025-yil 30-aprel kuni tashkil etilgan “Innovatsion tadqiqotlarda O'zbekiston tarixining dolzarb masalalari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ilmiy maqolalari va tezislari o'rin olgan.

Unda ko'zga ko'ringan olimlar, fan doktorlari, pedagoglar hamda yosh tadqiqotchilarning Imom Buxoriyning hayoti va ilmiy faoliyati tadqiqiga bag'ishlangan qator ilmiy izlanishlari natijalari o'rin olgan.

Anjuman materiallaridan tadqiqotchilar, professor-o'qituvchilar, pedagoglar, oliy o'quv yurti talabalari manba sifatida foydalanishlari mumkin.

To'plamdagi maqolalar matni va mazmuniga mualliflar mas'uldir!

Ushbu to'plam Oriental universiteti Kengashining 2025-yil 27-mart kuni bo'lib o'tgan 6-sonli yig'ilishida nashrga tavsiya etilgan.

© Oriental universiteti, 2025

Dilnoza To‘ychiyeva. Mustaqillik yillarida Zomin tumanida tashkil etilgan jamg‘arma, fond va markazlar faoliyati tarixi	387
Alimbekova Yasmina Bobir qizi. O‘zbekiston tarixini o‘rganishda qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar asarini o‘rni haqida ayrim mulohazalar	391
O‘ZBEKISTON ETNOLOGIYASINING DOLZARB MASALALARI	
Ulug‘bek Abdullaev. Farg‘ona vodiysi aholisining etnik tarkibini shakllanish tarixidan	398
Ismoiljon Xo‘jaxonov. Markaziy Osiyoda milliy-hududiy chegaralanish arafasidagi etnik holat	401
Komron Maxmarajarov. III-VIII asrlarda Markaziy Osiyo hududlarida sodir bo‘lgan etnik jarayonlarga o‘z ta‘sirini ko‘rsatgan yirik etnik birliklar	405
Nasriddin Turonov. Amir Temur va temuriylar davrida etnik jarayonlar	408
Temirbek Qo‘chqarov. Amir Temur va temuriylar davri manbalarida “jaloyir” lar va ularning etnotoponim sifatida saqlanishi	412
Asadbek Inomaliyev. Amir Temur davrida shahar antropologiyasi	417
Dildora Mirakbarova. Turmush qurish yoshi ko‘rsatkichlarining dunyoviy va diniy tahlili	420
Sevaraxon Karimova. Naqshbandiya – mujaddidiya tariqati silsilasi vakili	
Eshmuhammad eshon kalifa ziyoratgohlari tarixi	425
Kabulov Rustam, Sevinch Abdumalikova. Tan sulolasi davrida O‘rta Osiyo bilan munosabatlar	430
O‘ZBEKISTON TARIXI FANINI O‘QITISHNING ZAMONAVIY USULLARI	
Muxtafiye Tulaganova. Проблемы преподавания истории Узбекистана в вузах	435
Azamat Sharipov. Turkiya tarixini o‘qitishda yangicha nazar (usmonli turklar tarixini o‘qitish misolida)	439
Shahlo Karimova. XX asr boshlarida o‘zbek tilining shinjon she‘riyatida qo‘llanilishiga doir	442
Gulira‘no Allamuratova. O‘zbekistonda ta‘lim sohasidagi xalqaro hamkorlik va uning huquqiy asoslari	447
Mamatova Nigora Xusniddin qizi. Mustaqillik yillarida ta‘lim sohasidagi islohotlar	450
XORIJY MAMLAKATLARDA O‘ZBEKISTON TARIXNINING O‘RGANILISHI	
F.Ismatullayev, S. Rajabova, M. Esanov, A. Fayzullaev. Fransiyada ko‘hna sharq tarixini o‘rganilishiga oid ayrim mulohazalar	463
J.I. Abdullayev. Xorijiy tadqiqotchilar nigohida o‘zbekistonning chegaraviy muammolar tarixshunosligi	467
Davron Mutalov. Türk dili ve yazisinin tarihi dönemleri	471
Ёлгоров Ш. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасидаги замонавий ёндашувлари	480

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

ЁДГОРОВ ШЕРБЕК,

Тошкент давлат шарҳишунослик
университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишидаги замонавий ва инсонпарвар ёндашувлари таҳлил этилган. Мақолада “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили, диний таълим тизимининг ривожланиши, “Мехр” операциялари орқали репатриация ва реинтеграция дастурлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик каби муҳим ташаббуслар кенг ёритилган. Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги сиёсат ва амалий фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани таъкидланади.

Калим сўзлар: диний экстремизм, терроризм, реинтеграция, реабилитация, “Мехр” операцияси, диний эркинлик, ёшлар сиёсати, хавфсизлик.

Abstract: This article analyzes the contemporary and humanitarian approaches of the Republic of Uzbekistan in combating religious extremism and terrorism. The article extensively covers significant initiatives such as the “Enlightenment against Ignorance” principle, the development of the religious education system, repatriation and reintegration programs through “Mehr” operations, and collaboration with international organizations. It is emphasized that Uzbekistan’s policies and practical activities in this field are being recognized by the international community.

Key words: religious extremism, terrorism, reintegration, rehabilitation, Operation “Mehr”, religious freedom, youth policy, security.

Аннотация: В данной статье анализируются современные и гуманные подходы Республики Узбекистан в борьбе с религиозным экстремизмом и терроризмом. В статье подробно освещаются такие важные инициативы, как принцип “Просвещение против невежества”, развитие системы религиозного образования, программы репатриации и реинтеграции посредством операций “Мехр”, а также сотрудничество с международными организациями. Подчеркивается, что политика и практическая деятельность Узбекистана в этой сфере получают признание международного сообщества.

Ключевые слова: религиозный экстремизм, терроризм, реинтеграция, реабилитация, операция “Мехр”, свобода вероисповедания, молодежная политика, безопасность.

Бугунги кунда халқаро терроризм ва экстремизм ўзида сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, маънавий, ахлоқий ҳамда диний характердаги муаммоларни мукассамлаштирган тобора мураккаб иқтисодий-сиёсий

ходисага айланмоқда. Дунёнинг турли бурчакларида диний экстремизм ва радикализмнинг кенг ёйилиши мамлакатлар тинчлиги, минтакалар хавфсизлигига катта раҳна солмоқда. Бундай хавф-хатарларни олдини олиш, уни озиклантираётган омиллارни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш ҳар бир мамлакат учун устувор масалага айланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда диний экстремизм ва радикализмга қарши кураш давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини таъминлашда устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мазкур муаммога ёндашув концептуал жиҳатдан ўзгарди: анъанавий куч ишлатар ва жазоловчи усуллардан профилактикага, қайта исломийлаштиришга, маърифий фаолиятга асосланган демократик ва инсонпарвар ёндашувлар шулар жумласидандир. Бунда асосий эътибор экстремизмнинг оқибатлари билан эмас, унинг сабаб ва омиллари бартараф этишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати 2017 йилдан эътиборан “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида зўравонлик мафқураси тарқалишининг олдини олиш вазифасини кўйди¹. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафқурасига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарилган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим”². Ушбу тамойил асосида диний экстремизмга қарши фақат репрессив усуллар билан эмас, балки жамиятда соғлом диний қарашларни шакллантириш, маърифий ишлар орқали онгли муаммога ёндашиш назарда тутилди. Жазолаш чоралари ўрнига маънавий-маърифий ва бундай ғоялар тарқалишининг барвақт олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ёндашув жорий қилинди³.

Ўзбекистон ҳукумати радикализм ва экстремизмга қарши курашда диний эркинлик ва хавфсизлик мувозанатини сақлашга интиломоқда. Қуйидаги замонавий ёндашувлар бу сиёсатнинг асосий қисмларидир:

1. Қонунчилик базасини такомиллаштириш. Ҳуқуқларнинг диний эркинликларини таъминлаш билан бирга, диний экстремизмнинг олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди.

2018 йил 30 июлда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 489-сонли Қонуни қабул қилинди. Унда

¹ Алоқдов Т. Ўзбекистонда экстремизмга қарши кураш борасидаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан ўзгармоқда. // <https://isa.uz/index/33498>

² Ўзбекистон Республикаси Президентини Шайхот Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик қаролик, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва интелектуал шеркалик” мазмунда ўтказилган калдаро конференциядаги сўзиди. // URL: <https://president.uz/ox/list/vizit/1601>

³ Алоқдов Т. AQSH Ўзбекистондаги диний эркинликларни таъминлаш бўйича ислотларини тиз олди. // <https://kabar.uz/post/aqsh-ozbekistondagi-diniy-erkinliklarni-taminlash-bo'yicha/category=jamiyat>

умумий қондалар, экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирлари, экстремизмга қарши курашиш субъектлари, мамлакат ҳудудида экстремистик ҳаракатларни таққиловчи давлат сиёсатининг асосий йўналишлари; экстремизмнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда экстремизмга муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ва бошқа муҳим масалалар келтирилган⁴.

Қайд этиш ўринлики, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси”даги VI устувор йўналиш “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбапширий муаммоларга ёндашиш” деб номлангани беязиз эмас. Айниқса, ушбу устувор йўналишнинг “Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизmlарини шакллантириш” сарлавхали 82-максали муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда Таракқиёт стратегияси доирасида, жумладан:

- экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизmlарни тақомиллаштириш, исотимоний-маънавий муҳитни яқшилаш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва бундай таъсирга тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш;

- аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши катъий ва барқарор имюунитетни шакллантириш;

- экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро тапшилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

- дипломатик вақолатхоналар ва консуллик муассасалари, Тапши муҳнзат иммиграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узок вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаққамлаш;

- хорижий давлатлар ва халқаро тапшилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молжаллаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;

- фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий тапшилотларда фаол иштирок этиш;

- Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги сазий-ҳаракатларни биргалликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;

- Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргалликдаги ишлар доирасида ахборот алмашишуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро тапшабусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

⁴ Батафсал қарап: “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасисининг 489-сонли Қоқуқи. // URL: <https://lex.uz/docs/3841957>

• дунё ҳамжамияти ва минтақавий таъкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжамиятликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш каби муҳим масалалар доирасида изчил ишлар бошлаб юборилган⁵.

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш ва ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси ёшлари қонини белгилаш тўғрисида”ги⁶, “Таълим тўғрисида”ги⁷, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги⁸, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги⁹ Қонунларда ёшларнинг ҳуқуқларига доир кўплаб янги нормалар белгиланди. Мазкур қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ёшлар орасида диний мутаассибликка қарши курашиш ҳамда профилактик чоралар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, жаҳон мамлакатлари таърибасидан янги маълумки, ёшлар орасида экстремизм ва терроризмни профилактика қилиш бу ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишдан кўра анча осон.

2. Диний-маърифий муассасаларни ривожлантириш. Президент Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида диний экстремизм ва терроризм таъдидларига қарши курашда ёшлар тафаккурини маърифат асосида шакллантиришнинг аҳамиятини таъкидлаб шундай деган эди: “Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик таъкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”¹⁰. Шу мақсадда ёшларда диний-ахлоқий онгни шакллантириш ва маърифат асосида уларни мафкуравий тарбиялаш бу йўналишнинг асосий бўғинига айланди. Таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар негизида диний таълимга ҳам алоҳида урғу берилиб, мамлакатда диний таълимнинг беш босқичли тизими шакллантирилди. Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий таълимот марказлари таъкил этилиб, ушбу муассасаларнинг асосий вазифаси сифатида ислом дини меросини ўрганиш ҳамда унга хос

⁵ Бетафсил қараг: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тармоқли стратегияси. // URL: https://president.uz/uz/pages/view/strategy?mass_id=144

⁶ Бетафсил қараг: URL:

⁷ Бетафсил қараг: URL:

⁸ Бетафсил қараг: URL:

⁹ Бетафсил қараг: URL:

¹⁰ Мирзиёев Ш. Халқароликнинг ролини билишни фаолиятини баҳолаш энг олий бекор. - Т.: «Ўзбекистон», 2018. - Б. 251-252.

бўлган тинчлик, раҳм-шафқат ва бағрикенглик каби ҳақиқий кадриятларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш белгиланган кўйинди¹¹.

Шунингдек, мазкур соҳада ўқитишнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилди. Унда Ўзбекистон ҳудудига яшаб ижод қилган, ислом динининг инсонпарварлик кадриятларини тарғиб этган буюк илоҳиётчиларнинг диний ва фалсафий асарларини чуқур фундаментал тадқиқотлар асосида ўрганишга катта урғу берилди. Эътиборли жиҳати, мазкур жараёнда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганиш натижалари асосида илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва таъқиқот тадбирларини ўтказиш чоралари амалга оширилмоқда. Бунда ислом маърифати ҳамда диний бағрикенглик анъаналарини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни кучайтириш кун тартибига чиқмоқда.

3. Реабилитация ва реинтеграция сиёсати. Диний экстремизмга алоқадор деб гумон қилинган фуқароларни жамиятга қайтариш, уларни тўғри йўлга йўналтириш бўйича махсус дастурлар амалга оширилмоқда. Президент фармонида асосан минглаб шахслар махсус рўйхатдан чиқарилиб, уларнинг иктымол мослашуви таъминланмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ҳарбий можаролар зонасидан ўз фуқароларини олиб чиқиш, хоризий жангари-террористлар билан алоқадор ҳамда терроризм қурбонлари бўлиши мумкин бўлган аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатишда дунёнинг бошқа минтақаларига караганда етакчилик қилдилар. Халқаро амалиётда илк бор қўлланилган ушбу гуманитар операциялар Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон учун радикализм ва диний экстремизмга қарши кураш сиёсатида янги ёндашув бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг мурожаатини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-резолюциясига¹² мувофиқ, ўз фуқароларини уруш зоналаридан ватанига қайтариш тўғрисидаги мажбуриятларни қабул қилди. Унинг амалий ифодаси 2019 йил 30 май санасида дастлабки “Меҳр-1” инсонпарварлик операцияси орқали амалга оширилди. Мазкур гуманитар миссияда Сурия ва Ироқдаги қуролли можаролар ҳудудига бориб қолган 156 нафар Ўзбекистон фуқаролари, асосан, аёллар ва болалар (48 нафари аёллар, 106 нафари болалар) Ўзбекистонга олиб келинди¹³. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий баёнотида ушбу гуманитар амалиёт “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга тўлиқ риоя этган ҳолда, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг меъёр ва

¹¹ Аҳмадов Т. Ўзбекистонда экстремизмга қарши кураш борасидаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан ўзгаришда // <https://bx.uz/uz/13498>

¹² Багафсил қаранг: БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-резолюцияси // URL: [https://undocs.org/fr/S/RES/2396\(2017\)](https://undocs.org/fr/S/RES/2396(2017))

¹³ Суриядан қайтарилган осиз-болалар соғломлаштириш муассасаларида жойлаштирилмоқда. // URL: <https://qizilkoziq-uz.com/2019/03/30/Suriyadan-qaytilgan-osiz-bolalarni-solomlashtirish-muassasalarida-joylashtirilmoqda-11632783.html>

тамоғилларидан келиб чиқиб амалга оширилганлиги” кайд этилди. Бундан ташқари, ТИВ баёнотида мазкур инсонпарварлик миссияси “Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, махсус хизматлари ва бошқа идораларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари самараси эканлиги, шунингдек, қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро Қизил ҳоч кўмитаси ва ЮНИСЕФ томонидан муҳим кўмак кўрсатилганлиги” таъкидланди¹⁴.

2019 йил 10 октябрь санасида “Меҳр-2” деб номланган навбатдаги инсонпарварлик операсияси амалга оширилди. Ироқ давлати ҳукумати ва ЮНИСЕФ Халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур амалиёт доирасида 64 нафар бола (39 ўғил ва 25 қиз боланинг орасида 14 нафар 3 ёшгача бўлган ҳамда 2 нафар ота-онасидан айрилган болакай бор) Ўзбекистонга қайтарилди¹⁵. Бундан аввалги “Меҳр-1” операциясидан фарқли ўларок ушбу миссияда фақат болалар қайтарилганлиги боис гуманитар амалиёт ишчи гуруҳи томонидан уларнинг оналари билан тегишли суҳбатлар ўтказилди ва уларнинг розилиги олингангина олиб келинди¹⁶.

Шу тариқа, 2019 йил давомида “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” гуманитар операсиялари доирасида жами 220 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари (асосан болалар ва аёллар) Сурия ва Ироқ ҳудудларидан олиб келинди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан уларга тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва иқтисомий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилди, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди¹⁷.

2020 йил 3 мартда реинтеграция ва диний-экстремистик, террористик ташкилотларга боғлиқ шахсларни реабилитация қилиш соҳасида Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти сиёсатининг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишларини муҳокама қилиш мақсадида Тошкент шаҳри мезбонлигида “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тақрибаси” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда ўзбек аёлларининг Ироқ ва Сурияга кетгани сабаблари ҳақида тўхталган профессор Б.Бобожонов қўйидаги хулосаларини тақдим этади: “Тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра, репатриантларнинг 10 фоизи Сурияга 2016–2017-йилларда кетган. Уша пайтларда уруш бўлаётганди. Демак, шунга била туриб, уларда жиддий қарор қилишга муҳим асос бўлган. Ўрганиш натижалари билан таништираман: аёллар турмуш ўртоғи, ақаси, отаси ёки яқин қариндоши ортидан Сурияга

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти. // URL: <https://mfa.uz/24633>

¹⁵ “МЕҲР-2”: Ироқдан 64 бола қорғашга олиб келинди. // URL: <http://uzn.uz/posts/200172>

¹⁶ Ушбу болаларнинг оналари турли халқаро террористик ташкилотларга аъзо бўлиб, ўша давлатлар фуқаролари пачағига ва оқибатчилигига тасвир солгани учун Ироқ давлатида 10-20 йил муддатга оқибатда маҳрум қилинган ёки улардан қамқоқ қилганига ўтайган ўзбекистонлик аёллар бўлишган. Қаралг: Ироқдан Ўзбекистонга 60 дан зиёд бола олиб келинди. // URL: <https://spuotiknews-uz.com/2019/10/11/Iroqdan-uzbekistonga-60-dan-ziyd-bola-olib-kelindi-13598422.html>

¹⁷ Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисомий сиёсат соҳаларида 2017 – 2020 йилларда амалга оширилган ишловотлар сарҳисоби. // URL: <http://strategia.uz/index.php?news=1679>

чиқиб кетишган. Баъзилар бутун оиласи билан ватанни тарк этишган. Энг катта сабаб – уларнинг билимсизлигидир. Аёлларнинг шаходатномасига қарасак, ҳаммаси қонқарсиз таълим олишган. Ўз навбатида, кеч қаерда ишлашмаган. Оилада эркакларнинг буйруғини сўзсиз бажаришган. Фикримча, жуда паст даражадаги таълим таъсирига қарши кучсиз иммунитетни шакллантирган”¹⁸.

2020 йил 8 декабрда “Меҳр-3” гуманитар операцияси доирасида 98 нафар Ўзбекистон фуқароси — 25 аёл ва 73 бола (уларнинг 14 нафари чин етим) Суриядан қайтарилди¹⁹. Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Сурияда қуролли тўқнашувлар зонасида жойлашган қурдларнинг “Ал-Хол” ва “Роҳ” лагерларига таъриф бузориб, у ерда сақланаётган Ўзбекистон фуқаролари билан уларни Ватанга қайтариш масаласини ҳал қилиш учун қатор дипломатик учрашувлар ўтказди²⁰. Президент Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Меҳр-3” инсонпарварлик амалиёти ҳақида тўхталиб, шундай деди: “Ўзбекистон фуқаролари қайерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. “Меҳр-3” операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир”²¹.

Шунингдек, 2021 йил 2 мартда “Меҳр-4” операцияси доирасида Ўзбекистоннинг 24 нафар фуқароси (уларнинг 19 нафари болалар) Афғонистондан олиб чиқилган бўлса, АҚШ ҳукумати, Суриядаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари кўмағида ўтказилган “Меҳр-5” операцияси натижасида Суриядаги уруш нукталарига бориб қолган ва “Ал-Хол” лагериди 3 йилдан кўпроқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ва 69 нафар бола (уларнинг 7 нафари ота-онасидан айрилган) Ўзбекистонга қайтарилди²². БМТнинг Ўзбекистондаги координатори Хелена Фрейзер “Меҳр” инсонпарварлик амалиётлари ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистоннинг “мақтовга сазовор таърибаси ва ҳамкорлиги” дунёнинг 56 мамлакатининг 10 мингта яқин фуқароларини Суриядаги ИШИД тарқибидан қайтаришда намуна бўла оlishини таъкидлайди²³.

Марказий Осиё бўйича АҚШ Тинчлик институти эксперти Гэвин Хелф минтақа давлатлари олиб бораётган инсонпарварлик миссияларини таҳлил

¹⁸ Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. // URL: <https://drrm.uz/43831225>

¹⁹ “Меҳр-3”: Ўзбекистон Суриядан 100 га яқин фуқароларни қайтарди. // URL: <https://uzumiknews.uz/2020/12/08/Mer-3-uzbekiston-Suriyadan-100-ga-yakin-fuqarolarni-qaytardi-15355705.html?ncid=uzumik605oq206127205>

²⁰ “Меҳр-3” операцияси: Ўзбекистон расмий делегацияси Суриядаги лагерларга таъриф бузориб. // URL: <https://uzumiknews-uz.com/2020/11/28/Mer-3-operatsiyasi-uzbekiston-rasmiy-delegatsiyasi-Suriyadagi-lagerlarga-taъrif-buzordi-15493084.html>

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентини Шайх Муҳаммаднинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 29.12.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4037>

²² “Меҳр-5” операцияси зонасида: Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизматидаги шарҳ. // URL: <https://inf.uz/28690>

²³ US, UN Officials Hail Uzbekistan's Repatriation of IS Families. // URL: <https://www.voanews.com/a/south-central-asia-uz-un-officials-hail-uzbekistans-repatriation-families/6203999.html>

кичиб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларига қайтаришган шахслар (репатриантлар) билан олиб борилаётган 3 хил реинтеграция жараёнлари ҳақида шундай хулоса беради: “Ушбу давлатларнинг ёндашуви бир-биридан анчагина фарқ қилади. Қозоғистон қайтаришларнинг дерадикализациясига, Тожикистон протекционизм сиёсатига, Ўзбекистон эса уларнинг реинтеграциясига алоҳида урғу беради. Бугунги Марказий Осиёда репатриация бўйича олиб бориладиган ёндашувлар ўз реинтеграция дастурларини кўриб чиқаётган бошқа давлатлар учун муҳим киёсий намуна бўлиб хизмат қилади”²⁴.

Турли мураккабликлар эвазига ўз фуқароларини ватанига қайтариш билан шуғулланаётган Марказий Осиё давлатлари келгусида ҳам бундан кам бўлмаган етарлича қийинчиликлар мавжудлигини яқини аниқлашди. Мазкур жихатга эътибор қаратган Гэвин Хелф: “реинтеграциянинг муваффақиятсиз уриниш хавфи қайта радикаллашув, жиноий ва зўравон хатти-ҳаракатларнинг бошқа шаклларига ўтиш, аҳолининг янги қисмларининг зўравон мафқураларга дуч келиш хавфини туғдирди”²⁵, деб хисоблайди. Шу жихатдан “бугунги Марказий Осиёда репатриация бўйича олиб бориладиган ёндашувлар ўз реинтеграция дастурларини кўриб чиқаётган Европа, Америка ва Осиё мамлакатлари учун муҳим киёсий намуна бўлиб хизмат қилади”^{26,254}.

4. Халқаро ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси терроризмга қарши курашда халқаро ҳуқуқнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ халқаро ҳамкорликни кучайтиришнинг муҳимлигини аниқлаб, терроризм ва экстремизмга қарши курашда Терроризмга қарши кураш бошқармаси, Терроризмга қарши кураш кўмитаси Исроия дирекцияси, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ва БМТ ҳамда Интерпол тизимига кирувчи бошқа идораларнинг фаолиятида иштирок этиб келмоқда²⁷.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган²⁸.

Ўзбекистон БМТ, ЕХҚТ, ШХТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда экстремизмга қарши дастурлар қабул қилмоқда. Хусусан, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида «Маърифат ва диний бағрикентлик»

²⁴ Processes of Reintegrating Central Asian Returnees from Syria and Iraq. // URL:<https://www.unip.org/publications/2021/07/processes-reintegrating-central-Asian-returnees-syria-and-iraq>

²⁵ Шунда жойда.

²⁶ Шунда жойда.

²⁷ Ғолибазаров Ш. Ислам терроризмга қарши [Матн]: монография. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМДУ, 2021. – Б. 203.

²⁸ Саидов А. Терроризмга қарши кураш ва мисотарикат ҳамкорлик. // URL: <https://bndaily.uz/uzc/terrorismga-qarshi-ku-rash-va-misotarikat-hamkorlik/>

резолуцияси қабул қилинди. Мазкур резолуцияни БМТга аъзо давлатлар бир овоздан маъқуллади.

2020 йилнинг декабрь ойида АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик соҳасидаги Махсус кузатув рўйхатидан чиқарди. Мазкур жараёни баҳолар экан, АҚШ Давлат департаменти собиқ котиби М. Помпео “Ўзбекистон бошқа давлатлар учун ўрناق бўлиши мумкин”лигини қайд этди²⁹.

2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон тарихда биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланди. Ушбу сайловларда Ўзбекистон энг кўп овоз олган давлат каторида зикр этилди. Бу ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга асосланган экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ёндашувлари халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганини кўрсатади³⁰.

2021 йил 16 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида “Терроризм ва инсон ҳуқуқлари” номли 76/169-сонли резолуция қабул қилинди. Резолуцияда терроризм ҳамда терроризм учун шароит яратадиган зўравонлик экстремизмининг барча ҳуружлари, усул ва амалиётлари, қайси шакл ва кўринишда юз бериши, қаерда ва қим томонидан содир этилиши, қандай мотивация ё молжавий, моддий ёки сиёсий қўллаб-қувватлаш негизида содир этилишидан қатъи назар, халқаро ҳуқуққа мутлақо мос келмайдиган хатти-ҳаракат сифатида сўзсиз қораланиши таъкидланган³¹.

БМТ Бош Ассамблеясининг 76/169-сонли резолуциясида барча давлатлар ҳукуматларидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачисига унинг зиммасига юзланган вазифа ҳамда мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши сўралган. Шу ўринда БМТ Махсус маърузачиси Фивонгуала Ни Аолайннинг мамлакатимизга 2021 йил 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари амалга оширган тапшириқи доирасида Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қўшма халқаро тадбирлар ўтказишга келишиб олинди. БМТ Махсус маърузачиси Ўзбекистон Президенти билан мулоқоти, шунингдек, кенг жамоатчилик иштирокидаги матбуот анжумани ва брифингларда ҳам Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади³².

²⁹ Аҳмадов Т. АҚШ Ўзбекистондаги диний эркинликларни таъминлаш бўйича ишловларни тан олди. // <https://xabar.uz/post/aqsh-ozbekistondagi-diniy-erkinliklarini-taminlash-bo-yicha?category=jamiyat>

³⁰ Аҳмадов Т. Ўзбекистонда экстремизмга қарши кураш борасидаги ёндашувлар концептуал жонгдаги ғағармоқда. // <https://x.uz/yuker/33493>

³¹ Саидов А. Терроризмга қарши кураш ва мустақамий ҳамкорлик. // URL: <https://medaily.uz/uzc/terrorizmga-qarshi-ku-rash-la-mustaqamiy-hamkorlik/>

³² Саидов А.Х. Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини таъминлаш. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. –Б. 8.

Ўзбекистон 2010 йилдан бошлаб террорчилик ва экстремизмга қарши кураш доирасида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) билан ҳамкорликда фаолият юрита бошлади. ШХТнинг 2009 йил 16 июнда қабул қилган “Терроризмга қарши кураш конвенцияси”, 2015 йил 10 июлда қабул қилинган ШХТ аъзоси давлатларининг 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм, ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилиш дастури, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегияси каби ҳужжатлар асосида ҳамкорликда ҳаракат қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди³³.

2017 йил мартда Президент Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ШХТ иштирокчи давлатларининг махсус хизматлари бошлиқларининг глобал терроризмга қарши кураш муаммолари муҳокама этилди. Россия, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари экстремистик таҳдидларга қарши биргалашиб куралиши, биргаликда антитеррор ҳарбий машқларини ўтказиб боришга келишиб олдилар³⁴.

2017 йил 9 июнь кун Остона шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар томонидан имзоланган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши куралиши Конвенцияси (Остона, 2017 йил 9 июнь)”ни Ўзбекистон 2018 йил 3 апрелда 469-сонли Қонуни билан ратификация қилган эди³⁵.

Бундан ташқари, 2025 йил 24 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари махсус хизматлари раҳбарларининг биринчи учрашувида минтақа мамлакатлари хавфсизлигига замонавий таҳдидлар ва хатарларга баҳо беришнинг ягона ёндашувларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни бартараф этишда махсус хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар минтақавий хавфсизлик, терроризм, экстремизм, ноқонуний наркотик ва қурол-яроқ айланмасига қарши куралиши, трансмиллий жиноятчилик, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳамда ўзаро манфаатли бошқа ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилдилар. Ушбу тадбир Марказий Осиё давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни янада мустақкамлаш мақсадида махсус хизматлар раҳбарларининг муنتазам учрашувларига асос солди³⁶.

Шунингдек, XXI асрнинг геосиёсий манзарасида янги ва истиқболли минтақавий платформалардан бири бўлган Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДҲК) ўртасидаги ҳамкорлик формати

³³ Хайитовлов З.М. Ўзбекистон Республикасида экстремизм ва терроризмга қарши кураш агарейи. Сиёсий факлар бўйича PhD диссертацияси автореферати, Андижон давлат университети. –Т., 2024. –Б. 21.

³⁴ В Ташкенте представители спецслужб стран-участниц ШОС обсудили меры по противодействию терроризму // Перевод канал URL: https://www.ltv.ru/news/2017-03-30/322390-uzbekste_preditsteli_spetssluzhb_stran_uchastnic_shos

³⁵ Гейбабзаров Ш. Ислам терроризмга қарши [Матн]: монография. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМДУ, 2021. –Б. 193.

³⁶ Тошкентда Марказий Осиё давлатлари махсус хизматлари раҳбарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. // URL: <https://kun.uz/ru/news/2023/04/24/uzbekstida-markaziy-osiyo-davlatlari-mahsus-xizmatlari-rahbarlarining-birinchi-uchrashuvi-bo-lib-otdi>

доирасида ҳам хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш асосий устувор йўналиш бўлиб бормоқда. Иккала минтақа ҳам экстремизм, чегара хавфсизлиги, ноқонуний савдо тармоқлари ва тобора кучайиб бораётган кибер таҳдидлар каби ўхшаш хавф-хатарларга дуч келмоқда. Мутахассислар томонидан миллий хавфсизлик кенгашлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар, ҳарбий ҳамкорлик ва разведка маълумотларини алмашиш бўйича келишувлар каби кўпма хавфсизлик механизмлари ҳар икки томонга юзага келаётган хавфларни олдиндан кўра билиш ва бошқаришда ёрдам бериши мумкинлиги таъкидланмоқда³⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Президент Ш.М.Мирзиёев даврида Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва радикализмга қарши кураш сиёсати концептуал жиҳатдан ўзгарди. Бунда “жаҳолатга қарши маърифат” ғояси марказий ўринда туриб, ёшлар ўртасида диний онгни шакллантириш, билимсизлик ва маънавий бўшлиқлар туфайли радикал оқимларга кўшилиш хавфини камайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Диний таълим тизимининг беш босқичли моделини жорий қилиш, Ислом цивилизацияси маркази ва халқаро илмий марказлар фаолияти экстремизмнинг асл илдизларини ўрганишда муҳим қадамлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, реабилитация ва репатриация бўйича “Меҳр” операциялари Ўзбекистоннинг инсонпарварлик, бағрикенглик сиёсатининг амалдаги ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда. Қуролли можаролар зоналарида қолиб кетган аёл ва болаларнинг ватанга қайтарилиши, уларга тиббий, руҳий ва иқтисодий ёрдам кўрсатилиши, таълим ва меҳнатга мослаштириш ишлари халқаро донрада юқори баҳоланмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ, ШХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда экстремизмга қарши стратегияларни амалга ошириш, ҳуқуқий меъёрларни мувофиқлаштириш ва глобал хавфсизликни таъминлаш йўлида фазол ҳаракат қилмоқда.

³⁷ Kuper, Leyla Ali. Forging a New Arc: Enhancing GCC-Central Asia Relations in a Shifting Global Order. Gulf Research Center, April 2025. - URL: <https://www.gulfresearchcenter.org/2025/04/08/33320/Forging-New-Arc-Enhancing-GCC-Central-Asia-Relations-in-Shifting-Global-Order.pdf>

ORIENTAL UNIVERSITETI
TOSHKENT, 30-APREL 2025-YIL

